**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# 60320300 - Архившунослик таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
25 08 2021 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» ___08___ даги __4__ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» ___08___ даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | 60320300 - Архившунослик бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи ........................................................................ | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.1.1. | 60320300 - *Архившунослик* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши........................................................................ | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари........................................................................ | 4 |
| 1.2. | 60320300 - *Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи........................................................................ | 4 |
| 1.2.1. | 60320300 - *Архившунослик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари........................................................................ | 4 |
| 1.2.2. | 60320300 - *Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари........................................................................ | 4 |
| 1.2.3. | 60320300 - *Архившунослик та*ълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари........................................................................ | 5 |
| 1.2.4. | 60320300 - *Архившунослик та*ълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари........................................................................ | 5 |
| 2. | 60320300 - *Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар........................................................................ | 6 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар........................................................................ | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар........................................................................ | 7 |
| | Библиографик маълумотлар........................................................................ | 8 |
| | Керишув варағи ........................................................................ | 8 |

## 1. *60320300 - Архившунослик* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

*60320300 - Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

1.1.1. Малака талаби *60320300 – Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60320300 – Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60320300 – Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*60320300 - Архившунослик* бакалавриат таълим йўналиши – ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг йўналиши бўлиб, жамият ривожланишининг барча қирраларини аниқ ўрганиш, жамият истиқболини белгилаш, археология, тарих соҳасини ривожлантириш, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуаси билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- “Ўзархив” агентлиги тизимидаги давлат архивлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари;
- архившунослик билан боғлиқ илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари;
- тарихий, маданий, маънавий меросни ўрганиш марказлари;
- давлат бошқаруви органлари идоравий архивлари; давлат музейлари;
- замонавий ахборот ва компьютер технологиялари қўлланадиган иш юритиш соҳалари.

**60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, “Ўзархив” агентлиги таркибига бўйсунувчи Республика марказий, вилоят, туман, шаҳар архивларида ва нодавлат архивларда жорий ишларни амалга ошириш;

– давлат бошқаруви органлари идоравий архивларида ишлаш;

– архившунослик, ҳужжатшуносликка доир масалаларни ҳал этишга доир илмий методлар ва моделлар ишлаб чиқилиши ва тадқиқ этилиши талаб этиладиган ҳамда замонавий ахборот ва компьютер технологиялари қўлланадиган хизмат кўрсатиш ва иш юритиш.

– музейларда, ахборот-ресурс марказларида турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ва шу кабиларда фаолият юритиш.

**1.2.3. *60320300 - Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- турли хизматлар кўрсатиш

**1.2.4. *60320300 - Архившунослик т*аълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60320300 - Архившунослик *т*аълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- архив муассасаларида ишни ташкил қилиш ва бошқариш;

- билимларни қўллаш орқали архивларни бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- архившунослик, ҳужжатшуносликка доир масалаларни ҳал этишга доир илмий методлар ва моделлар ишлаб чиқиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

- архив ташкилотларининг ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш.

**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- архив ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, архивларда ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- архивларнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, архивлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда архив соҳасининг ривожланиши бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- архив тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги архив соҳасидаги ютуқларини ўрганиш ва тизимлаштириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**Турли хизматлар кўрсатиш:**

- тарих ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётларни экспертиза қилиш бўйича эксперт сифатида қатнашиш;
- тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

## 2. *60320300 - Архившунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

### 2.1. Умумий компетенциялар:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ўзбекистонда архив иши жаҳон архивлари тарихи, иш юртиш тизимини ҳамда Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.
- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- меъёрий-хукуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўкув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- тарих ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётларни экспертиза қилиш бўйича эксперт сифатида қатнашиш;
- тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:** касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, Электрон архив асослари, хронология, метрология, архив иши назарияси ва амалиёти, жаҳоннинг етакчи архивлари, иш юритиш назарияси ва амалиёти, Ўрта Осиёда архив иши тарихи, Ўзбекистоннинг асосий архивлари, эски ўзбек ёзуви ва Шарқ тиллари, махсус тарихий фанлар, тарихий география ва атамашунослик, ҳужжатшунослик, архив менежменти, архив ҳужжатларини сақлаш, қайта ишлов бериш, тиклаш ишлари, архив ҳуқуқи, манбашунослик, тарихшунослик, музейшунослик, технотрон ҳужжатлар.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор ______________ **И.У.Маджидов**

2021 йил «17» 08

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор ___________ **М.Ҳ. Эсанов**

2021 йил «24» 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги

Директор ___________ **У.М. Юсупов**

2021 йил «22» 08

М.Ў.

Наманган Давлат университети

Ректор ___________ **С.Т. Турғунов**

2021 йил «22» 08

М.Ў.

Андижон Давлат университети

Ректор ___________ **А. С. Юлдашев**

2021 йил «22» 08

М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети балакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент ш.** **“____” “_________” 2021 йил**

Биз қуйида имзо чекувчилар – ЎзАрхив агентлиги директори Юсупов У., Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Г.Ш.Рихсиева, Ўзбекистон Миллий университети ректори И.У.Маджидовлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Рспубликасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўгрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

***Таълим йўналишлари:***

60320300 – Архившунослик

Юқоридаги бакалавр таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан кўйилган талаблар инобатга олинган.

Малака талабларининг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажиратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофик.

**ЎзАрхив агентлиги директори** — **У. М. Юсупов**

**Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори** — **Г.Ш. Рихсиева**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори** — **И.У. Маджидов**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига**

**Т А Қ Р И З**

М.Улуғбек номидаги ЎзМУ да 60320300 - Архившунослик таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарори билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил килишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Ҳулоса қилиб айтганда, 60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Ўзбекистон Республикаси**
**"Ўзархив" агентлиги директори** **У.М. Юсупов**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига**

# ТАҚРИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида 60320300 - Архившунослик таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Қарорлар билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, касб малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилла-рига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, т.ф.д.** **Р.Э. Холиқова**

IMZOSINI TASDIQLAYMAN
TDTU KB BOSHLIG'I ______ (imzo)
"__" ______ 2024 Y

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига**

# ТА Қ Р И З

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида 60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил килишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

60320300 - Архившунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Ўзбекистон Республикаси**
**"Ўзархив" агентлиги**
**Биринчи бўлим бошлиғи** **О. Суюнов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "O'ZARXIV" AGENTLIGI DEVONXONA

Илова

**60320300-Архившунослик бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т.р. | | Фанлар блоклари ва блокларининг номлари | Умумий юкламанинг хажми, соатларда |
|---|---|---|---|
| **1.00** | | **Мажбурий фанлар** | **5160** |
| 1.01 | OMTB110 | Олий математика | 150 |
| 1.02 | FALB204 | Фалсафа | 120 |
| 1.03 | URTB104 | Ўзбек (рус) тили | 120 |
| 1.04 | XJTB106 | Хорижий тил | 180 |
| 1.05 | UTSB403 | Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши | 90 |
| 1.06 | JTSB102 | Жисмоний тарбия ва спорт | 60 |
| 1.07 | UPPB308 | Умумий педагогика ва психология | 240 |
| 1.08 | TARB206 | Тарбия | 180 |
| 1.09 | MUKB105 | Мутахассисликка кириш | 150 |
| 1.10 | UATB109 | Ўзбекистонда архив иши тарихи | 270 |
| 1.11 | JATB105 | Жаҳон тарихи | 150 |
| 1.12 | UZTB109 | Ўзбекистон тарихи | 270 |
| 1.13 | UZDB118 | Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи | 540 |
| 1.14 | TGEB205 | Тарихий география | 150 |
| 1.15 | AINB213 | Архив иши назарияси ва амалиёти | 390 |
| 1.16 | SHTB210 | Шарқ тиллари | 300 |
| 1.17 | JATB215 | Жаҳон архивлари тарихи | 450 |
| 1.18 | AHSB404 | Архив ҳужжатларини сақлаш, тиклаш ва қайта ишлов бериш | 120 |
| 1.19 | RMEB404 | Рақамли манбалар ва электрон архив асослари | 120 |
| 1.20 | XVMB106 | Хронология ва метрология | 180 |
| 1.21 | MVKB312 | Музейшунослик ва кутубхонашунослик | 360 |
| 1.22 | MTFB304 | Махсус тарихий фанлар асослари | 120 |
| 1.23 | MVTB310 | Манбашунослик ва тарихшунослик | 300 |
| 1.24 | ASIB305 | Архив соҳасида информацион хавфсизлик | 150 |
| **2.00** | | **Танлов фанлар** | 960 |
| | | **Жами** | **6120** |
| | | **Малакавий амалиёт** | **630** |
| | | **Якуний давлат аттестацияси** | **450** |
| | | **Жами** | **1080** |
| | | **Ҳаммаси** | **7200** |
| | | | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Ш.Тошматов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI * MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI *